

киритиш, попни эса ўзига бўйсундиришни кўзлайди. Амисга оғир саволлар бериб, уни лол қолдирмоқчи бўлади. Лекин поп ҳамма саволларга донолик билан жавоб қайтаради. Ниҳоят, епископ унга эшакнинг саводини чиқаришни топширади. Поп таврот саҳифаларига сули сочиб қўйиб, эшакни ўша ердан овқатланишга ўргатади; бироз вақтдан сўнг эшакни епископ хузурига олиб келиб, унинг саводи чиққанини маълум қилади. Эшак одати бўйича китоб саҳифаси устидан ем емоқчи бўлади, лекин ҳеч нарса кўрмагач, тумшуғи билан бошқа варақни очиб, овқат излайди, эшак ҳеч нарса йўқлигидан пишқириб, янги-янги варақларни оча бошлайди. Худди шу вақтда поп ана кўрдингизми, эшак китобни ўз тилида ўқияпти, деб епископни ишонтиради [1:75].

Ўзбек халқ оғзаки ижодидан.

Подшоҳ Афандини чақириб унга бир эшакни саводли қилиб беришни топширади. Афанди икки юз танга пул ва икки ой муҳлат сўрайди.

Подшоҳ Афандининг илтимосини қондиради. Афанди хазинадан икки юз танга пулни олиб, уйига бориб катта-катта сарф қилади. Подшоҳнинг муҳлати

ўтгач, эшакни етаклаб олдига келади ва топшириқни бажрганини айтади.

Подшоҳнинг саройига саркардалар, мударрис ва уламолар тўпланади. Афанди эшакни ўртага олиб чиқиб, олдига китобни қўяди. Эшак тили билан куронни варақлаб, охириги саҳифасига етгач, бошини кўтариб, Афандига қараб ханграйди.

Подшоҳ хурсанд бўлиб, Афандига яна икки юз танга инъом қилади ва ундан эшакни қандай қилиб мулла қилганини сўрайди. Афанди уйида китобнинг орасига арпа сочиб, эшакнинг олдига қўйганини айтади. У арпанинг хидини билиб, тили билан уни варақлаб очиб, арпани териб еганлигини, баъзан китобнинг орасига ҳеч нарса сочмасдан қўйганида эшак уни варақлаб, унинг орасидан арпа топа олмай, хафа бўлиб ханграганини айтади [3:201].

Қаҳрамонлик эпослари хусусида мулоҳаза юритганимизда Ғарб ва Шарқ халқлари ижоди ўртасида баъзи бир яқинлик ва ўхшаш сюжетлар мавжудлигини ўша давр халқларининг жамиятнинг муайян бир тараққиёт босқичида яшаб, келажақ бахтли кунлар ҳақидаги яхши истак орзуларининг муштараклиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Адабиётлар

1. Қайюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1979.
2. “Ирландские саги”. –Москва: 1956.
3. “Афанди латифалари”. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. –Тошкент: 1990.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ғарб ва Шарқ халқлари оғзаки ижоди намуналари ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутлар кўрсатиб берилган. Аниқроғи, VIII асрга тегишли “Хильдебрант ҳақида кўшиқ”да герман халқларининг кўчманчилик давридаги курашлари ва унинг Фирдавсийнинг “Шохнома”си билан ўхшашликлари баён этилган. Бунга қўшимча равишда Ирланд эпоси «Куальнгендан буқа ўғирлаш»нинг Юнон эпоси “Илиада”га ўхшашлиги кўрсатиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье показаны сходства и различия между фольклорными произведениями Запада и Востока. Например, войны между племенами в период миграции были описаны в немецком фольклоре племён в книге “Песни о Хильдебранте”, которая принадлежит восьмому столетию. Рассматриваются также сходства с произведением “Шохнома” Фирдаусий. Анализируются также сходства между ирландским эпосом “Захват быка из Куальнген” и греческим эпосом “Илиада”.

SUMMARY

The article deals with similarities and differences between the works of folklore of the West and the East. For example, the wars between tribes at the period of migration were displayed in German tribes' folklore “Song about Hildebrandt” which belongs to the eighth century and the author also shows the similarities with the “Shohnoma” by Firdausiy. In addition, similarities between an Ireland epos “Stealing a bull from Kualngen” and a Greek epos “Iliad” were shown too.

БЕРДАҚНИНГ «ШАЖАРА» ДОСТОНИДА ОБРАЗЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

А.Угамбетова – филология фанлари номзоди,

10.00.12-қарақалмақ адабиёти қэнгелигининг докторанты

ӨЗРИА Қарақалмақстан бөлими Қарақалмақ гуманитар илимлер изертлеу институти

Таянч сўзлар: достон, шажара, образ, реал, бадиий, яратмоқ.

Ключевые слова: поэма, шежере, образ, реал, художественный, создавать.

Key words: poem, shejire, image, real, artistic, to create.

Буюк Бердақ шоирнинг «Шажара» достони юксак бадиий савиядаги поэтик асар сифатида бизгача етиб келган. «Ерназар бий», «Айдос бий», «Амангелди», «Ахмоқ подшо» ва «Хоразм» достонлари сингари «Шажара» достони ҳам шоирнинг кўп йиллик изла-нишлари натижаси эканлиги аён. Туғри, олимларимиз мазкур асар тўғрисида қатор фикрлар билдирганлари билан, истиқлол даври нуқтаи назаридан асар ҳақида янгича фикрлар билдириш мақсадга мувофиқ. До-стондаги реал тарихий воқеалар, бадиий образлар яра-тилиши масаласи энг қизиқарли жиҳатлардан биридир. Достондаги Айдос образи бадиий жиҳатдан юқори даражада яратилган образдир.

Масалан: «Шажара» достонида шундай дейилади:

Ботирда бордур олтин тахт,

Худо берди ҳам давлат бахт.

Айдос бий, Қутлимурут иноқ,

Қўшин тортиб келган экан.

«Қорақалпоқ оғзаки ижоди, афсоналари ва чечан-лар сўзлари», Китобида «Айдос бий», «Айдос бий би-лан Бегис ва Миржиқ», «Хева хонлиги ва қорақалпоқ

бийлари» мавзуидаги ривоятларда Айдос тўғрисида маълумотлар сақланган. «Айдос бий» номли ривоятда у ҳақда қуйидагича фикр мавжуд. «Бутун элнинг му-аммосини ҳеч тап тортмасдан, кўп олдида хал қилар» деган фикр ҳам бўлган, умидворлар унинг шу пайтдаги фикрларидан сўзларига жавоб топгандек суюнишарди. Баъзи кишиларга танила бошлаган боланинг мардлиги, тўғрисиқлиги қувват беради. Лекин, Айдос шундай даражада айрим кишилар назарига тушса-да, у гўдак таваккалчи бўлади. Гап-сўз тарқатганларни ҳам тўғри сўзлаганларни ҳам бир қарашда баҳолайдиган, билим-сиз кишининг ҳаёти билан баробар ишнинг чигалини ечишга уста, йигит бўлиб, эл бошқарувчилар қаторига қўйилади [1:36].

Қ.Мақсатовнинг «Бердақ, ижодининг ўрганили-ши, «Шажара»сининг халқчилиги» илмий ишида: «Бердақ «Шажара»си, бу аввало, бадиий асар, унда тарихий фактлар бадиий тасвирлар билан, ўзгаришлар билан берилади. Шунингдек, ундан оғзаки ижод наму-налари, ривоят, афсоналар ўрин олган» деб фикр бил-диради [2:48]. Шундай қилиб, шоир тарихий реаллик

асосида образ яратганда халқ ривоятларидан маҳорат билан фойдаланганлиги сўзсиз.

Айдос бошқарган кузғолон 1827 йили авж олганлиги маълум. Бердақ Айдоснинг замондошларини кўрганлиги, уларнинг Айдос тўғрисидаги қарама-қарши фикрларини тинглаганлиги, Айдос замондошлари билан суҳбатлашганлиги табиий. Бу эса шоирга Айдос бадий образини яратишга имконият беради. «Шажара» достонида яратилган Айдос образи «Айдос бобо» достонидаги образни тўлдиради. «Шажара» достонида Айдос билан Рустам ботир диалоги ўрин олган:

Рустам айтди Кўрғиротсан,
Кўп қорақалпоққа зарарсан,
Хавотирли кўрқок қуруқ отсан,
Кўнғирот не одам бўлган экан.
Айдос айтди: Кўнғиротман,
Олмас, гавхарман, пўлатман,
Чини Кўнғирот асл зотман,
Мағит тожик туккан экан.
Хизмат этди хонга, иноққа,
Оға бўлдим Қорақалпоққа,
Бир силкит чиғаноққа,
Минг боламни олган экан.

Шоир Айдоснинг «Оға бўлдим Қорақалпоққа» деган сўзини келтириши орқали унинг қорақалпоқ халқини бошқарганлигини, ўз даврининг нуфузли тарихий сиймоси эканлигини айтиб ўтади. «Хизмат этдим хонга, иноққа» деган қаторлар кизиқиш пайдо этади. «Айдос бобо» достонида Бердақ Айдоснинг фикрларини кўп келтиради.

Мард бўлган ваъдада турар,
Сўзни бузганни онт урар,
Тўртдан бирига деҳқон турар,
Тенг бўл-деди Айдос бобо.
Ўлган одам қайтиб келмас,
Ботир йигит қайғу эмас,
Ваъдасин бузган хон эмас,
Бергил – деди Айдос бобо.

Бердақ яратган Айдос образи ўзининг бадий жиҳатдан юқори савиялилиги билан алоҳида эътиборга эга. Бердақ ўз достонларида Айдоснинг мураккаб образини очиб бериш учун диалоглардан унумли фойдаланади.

«Шажара» достонида Айдос тўғрисида куйидаги фикрлар келтирилган.

Чожикелди ўғли Султон,
Андин Айдос, Майбас туккан,
Айдос юртида оға бўлган,
Киши осиб дор қурган экан.
Айдос бий юртининг ўрдаси,
Икки ўғил Ризо, Туряси,
Ерназар бий невараси,

У Қушбеги бўлган экан,
Мавж урган дарёдай тошди.
Қиличидан қонлар сочди,
Чин ёғоч қуриб, киши осди.
Хон сифатида бўлган э кан. [1:30]

К.Мамбетовнинг «Қорақалпоқлар шажараси» номи илмий ишида: «Бердақ шоир ва унинг «Шажара» асари ҳақида сўз юритилади: «Бадий асар тарихий мавзунини тасвирлаганда ҳам айрим таассуротларга» берилади. Шу сабаб унда таассуротлар устун бўлиб кетиши мумкин. Чунки Бердақ ушбу асарни ёзганда кўпроқ оғзаки ижод намуналарига таянган. Бундан ташқари, тарихий далиллар ҳам оз эмас. Демак, у кўпгина тарихий китоблар билан ҳам таниш бўлган.

Бердақ шоир тарихий Айдос образига ижодий муносабатда бўлади. Тарихий ҳақиқатни бадий образга айлантирганда ўз бадий тасаввуридан маҳорат билан фойдаланади. «Шажара», «Айдос бобо» ва «Айдос бий» достонларида Айдос образини бадий яратганлиги маълум. «Айдос бобо» достонида шоир бв кахрамон тўғрисида ўз фикрларини билдиради. Масалан:

Душмани кўп, дўсти билан,
Найзасининг учи билан,
Билагининг кўчи билан,
Ҳақини олди Айдос бобо.
Айдос деган улуғ киши,
Охир кетди қўлдан кучи.
«Хоннинг иши-шайтон иши»-
Деган экан Айдос бобо.[1:33]

«Шажара» достонида Бердақ томонидан тарихий Чингиз образи маҳорат билан яратилган. Биз бу масала ҳақида махсус илмий фикр айтиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Достондаги олмали кўркли, Тумовли, Шабан, Буденетай, Буркелтай, Майки образлари бадийлик билан яратилган. Олмали кўркли образини яратишда шоир бадий тасаввурдан маҳорат билан фойдаланади.

Асл авлод дер зотини,
Кўрдим Шажарада хатини
Олмали кўркли дер отини,
Хур паридан булган экан.

Хулоса қилиб айтганда, Бердақ шоир «Шажара» достонида образлар яратишда тарихий воқеаликни бадий реаликка айлантиришда юксак ижодкорлик билан бадий тасаввурдан унумли фойдаланганлиги маълум. Айдос образини яратишда тарихий манба сифатида шоир ривоятларни, қахрамоннинг замондошларининг хотираларидан маҳорат билан фойдаланади. Образ яратишда диалоглар кўп қўлланилади. Шунинг учун Бердақнинг «Шажара» достони образлар типиклиги ва бадий юксаклиги билан кўзга ташланади.

Адабиётлар

1. Бердақ «Шажара». –Нукус: «Қарақалпақстан», 1993.
2. Максегов К. «Бердақ ижоди» ўрганилиши «Шажара»сининг халқчилиги «Бердақ».

РЕЗЮМЕ

Мақола қорақалпоқ фольклори ва адабиётининг шу кунга қадар ўрганилмаган долзарб муаммоларига бағишланган. Унда XVIII аср қорақалпоқ фольклорининг муаммолари қорақалпоқ адабиёти классиги Бердахнинг «Шажара» поэмаси билан қиёсан реалистик йўналишда ўрганиб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается актуальным, до сих пор не изученным вопросам каракалпакского фольклора и литературы. В ней в историко - реалистическом плане изучены проблемы каракалпакского фольклора XVIII века в сопоставлении с поэмой «Шежире» («Родословная») – классика каракалпакской литературы Бердаха.

SUMMARY

The article deals with the actual questions of the Karakalpak folklore and literature which haven't been investigated enough yet. The author of the research studies from the point of view of the historical-realistic aspect the issues of Karakalpak folklore in the XVIII-th century in comparison with the poem "Shejire" ("Pedigree") by the classic of the Karakalpak literature Berdakh.